Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 26 май, пайшанба № 92 (21.696). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Мередит Жонс Гупп» компаниясининг раиси Найжел М. Жонсни қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида мазкур компания пахта етиштириш, уни сотиш, қайта ишлаш ва сертификация қилиш бўйича дунёда катта мавқега эга экани, сўнгги йилларда у Ўзбекистоннинг доимий мижозига айланиб бораётгани таъкидланди. Ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков иштирок этди.

(ЎзА).



Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ТОШКЕНТ-1994

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 24 май куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Аэропортда икки давлат раҳбарлари — И. Каримов ва Н. Назарбоев мухбирларнинг саволларига жавоб бердилар.

Нурсултон Назарбоев иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги вақтда икки қардош мамлакатнинг бир-бирига елкадош бўлиши олис мозийга бориб тақаладиган дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашини айтди. Юксак мартабали меҳмон Қозоғистон делегациясига кўрсатилган иззат-ҳурмат учун миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбекистон Президенти ўзаро амалга оширилаётган ишлар ота-боболаримизнинг эзгу амаллари давоми эканини таъкидлаб, икки қўшни давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланишига ишонч билдирди.

— Қозоғистон ҳам Ўзбекистон сингари табиий заҳираларга, ички имкониятларга бой юрт, — деди Ислом Каримов.— Бу имкониятларни бирлаштириш ҳар икки давлат учун келажакда нурли уфқлар очади.

Кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Искалиев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ғ. АЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада миллий хавфсизликни таъминлашдаги кўп йиллик самарали хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизматининг раиси Ғулом Алиевич Алиев «Жасорат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. Н. ЗОТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳарсозлик соҳасидаги кўп йиллик самарали ишлари, республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтининг лойиҳалар бош меъмори Александр Николаевич Зотов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 24 май.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси якунлари ва Президент Ислом Каримов нутқида ўртага қўйилган масалалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларга тезроқ барҳам бериш, тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Сессияда республика Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен сўзга чиқди.

(ЎзА).

ҚАШҚАДАРЁГА САФАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов Қашқадарёга сафари чоғида аввало Қарши шаҳридаги Қарлиқ-Боғот маҳалла қўмитаси қошидаги зардўзлик кичик корхонаси иши билан танишди. У бу ерда меҳнат қиладиганларнинг даромади, ижтимоий аҳволи, корхона истиқболи билан қизиқди. Корхона раҳбари Г. Примқулова саркотибнинг бу ҳақдаги барча саволларига батафсил жавоб берди, муаммоларни ҳам айтди.

— Буларнинг ишидан розимисиз?— сўради биринчи котиб маҳалла қўмитаси раиси С. Сафаровдан.

— Минг бор розимиз. Ахир булар маҳалла ободончилигига озмунча ҳисса қўшаётгани йўқ.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Касби туманидаги «Ғалаба» жамоа-ширкат хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашган «Қўшқўрғон» ҳиссадорлик жамиятида ҳам бўлди. «Ғалаба» хўжалиги тумандаги намунали жамоалардан. Хўжалик ҳудудида ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Қишлоқ ичимлик суви, табиий газ билан таъминланаяпти. «Қўшқўрғон» ҳиссадорлик жамияти эса тузилганига атиги икки ой бўлаяпти. Лекин шу қисқа давр ичида гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда дуруст натижаларга эришилди. Жамият раиси О. Қаршиев ХДП аъзоси, тадбиркор.

Тумандаги Ҳ. Хўжақулов номли жамоа ширкат хўжалигида олиб борилаётган ишлар ҳам меҳмонни ғоят мамнун этди. Бу ерда қисқа муддатда қишлоқнинг 95 фоиз хонадони газлаштирилди, 75 фоиз аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Хўжаликда гиламчилик цехи, ғишт заводи ишлаб турибди. Консерва заводи, тикувчилик ва тўқувчилик цехлари қурилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Хўжаликка вилоят партия кенгаши аъзоси, тажрибали мутахассис Э. Турсунқулов раҳбарлик қилаяпти.

Шунингдек, биринчи котиб Қарши машина-магистраль каналининг 7-насос станцияси, «Самарқанд» жамоа-ширкат хўжалиги ва «Наврўз» Ўзбекистон-Хитой (Нишон тумани) қўшма корхонасида ҳам бўлди.

М. Расулов жойларда бўлганида Республика Президентининг шу йил 21 январдаги Фармони, Республика Олий Кенгаши XV сессияси ва Марказий Кенгаш X пленуми қарорлари қандай бажарилаётганлиги, ҳудудий партия ташкилотлари фаолияти, партия аъзоларининг ўрни ва ташаббускорлиги, уларнинг муаммолари билан қизиқди.

Учрашувларда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов қатнашди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОҒИНИБ УЧРАШГАН ДАМ ШИРИН

Ўтган куни жиззахликлар қондош-жондош, ён қўшни қозоғистонлик меҳмонларга пешвоз чиқишди. Уларни вилоят ҳокими А. Тошкенбоев, ҳокимликнинг бошқа раҳбарлари, вилоятдаги қозоқ, қирғиз, татар ва корейс миллий марказларининг фаоллари шоду ҳуррамлик билан кутиб олишди. Жиззах кўчаларида минглаб шаҳарликлар қардошларни «Хуш келибсиз, марҳабо!» дея олқишладилар. Меҳмонларимиз шаҳарда даставвал атоқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов бюстини бориб кўрдилар ва ёдгорлик пойига гуллар қўйдилар. Шундан сўнг меҳмонлар вилоят мусиқали драма театрида катта дастурдаги концерт намойиш этдилар. Вилоят ҳокимлиги меҳмонлар шарафига расмий қабул ва бир пиёла чой устида суҳбат ташкил этди.

Қардошларимиз кеча вилоятнинг диққатга сазовор жойларини кўриб, меҳнат жамоалари билан учрашувларини давом эттирдилар. Дўстлик, Мирзачўл ва Фориш туманларида яшаб, меҳнат қилаётган миллатдошларининг турмуш ҳаёти билан танишдилар.

Ташриф кунларида меҳмонларга вилоят ҳокими А. Тошкенбоев ва вилоятнинг бошқа раҳбарлари ҳамроҳлик қилдилар. Дийдор кунлари шуни кўрсатдики, соғиниб учрашган дамлар мароқли бўларкан.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

Серқуёш Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари бошланди. Байрамдагидек безатилган Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари байроқлари ҳилпираб турган Нукус тайёрагоҳида карнай-сурнай садолари остида Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг муовини Ғ. Абелсейтов раҳбарлигидаги бир гуруҳ меҳмонлар кутиб олинди. Улар орасида «Қозоқўзконцерт» ижодий жамоаси ҳам бор. Азиз меҳмонларни Қорақалпоғистон Республикаси Олий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари кутиб олишди. Меҳмонларга нон-туз тутилди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий кенгаши раиси У. Аширбеков азиз меҳмонларни дўстлик, қардошлик ҳамкорлик байрами билан чин қалбдан табриклади.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири муовини Ғ. Абелсейтов чин қалбдан миннатдорчилик билдириб, жавоб нутқи сўзлади. Шундан кейин меҳмонлар шаҳарнинг хушманзара жойларида бўлиб, қорақалпоқ классик шоири Бердақ ҳайкалига гулчамбарлар қўйишди. Бироз дам олгач меҳмонлар Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинди. У. Аширбеков мустақил республикамизнинг мустаҳкамлашда амалга оширилаётган муҳим ишлар, фан ва маданиятнинг ривожи, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш қандай кечаётгани ҳақида гапириб берди.

Азиз меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик ва санъат музейларида бўлиб, қорақалпоқ халқларининг ўтмишдаги ва ҳозирги турмуши, ҳаёти, халқ хўжалиги тармоқларидаги хайрли ишлар билан танишдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Долзарб мавзу: нон кўпаядими?

ЁТГАН ЁТАР, ҚИДИРГАН ТОПАР

Кейинги вақтларда муштарийлар нон маҳсулотлари қўшни республикалардагига нисбатан бизда анча арзон нархда сотилаётганидан мамнуният изҳор қилган ҳолда йил якунида улар тақчиллашиб қолмайдими, деган мулоҳаза билан таҳририятга мурожаат қилишмоқда. Шу муносабат билан мухбирларимиз Ўзбекистон дон маҳсулотлари корпорациясида бўлиб, газетхонларни қаноатлантираднган жавоблар топишга ҳаракат қилишди.

Шундай саволлар билан мурожаат этилганлиги тасодифий эмас. Чунки халқимиз азалдан нонни севиб истеъмол қилган, уни муқаддас таом деб эъзозлаган, ушоғини тўпланиб кўзига суртган. Ҳозир ҳам шундай. Ўзингиз шоҳид. Энг мазали, оғизда эриб кетадиган таом ҳам нонсиз ўтмайди. Уни ҳар куни бир неча марта истеъмол қиламиз-у, бироқ ризқимизни яратиб бераётганлар . меҳнат, заҳматини ҳамиша ҳам эсга олавермаймиз. Деҳқон-ку донни сочади, етиштиради, ўради. Хўш, кейинчи?

— Бир неча йил аввал республикамиз бўйича жами 200 минг тоннадан знёдроқ бошоқли дон етиштиришарди,— дейди корпорация раҳбари ўринбосари Суннат Бекбоев.— Ўзбекистон мустақилликка эришгач юртбошимиз ҳам, ҳукуматимиз ҳам ғаллакор хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқонларни рағбатлантириш ва шу асонда ғалла экиладиган майдонларни кескин кенгайтириш тадбирларини кўрмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда бу соҳага, суғориладиган ерларда ғалла етиштиришни кўпайтиришга эътибор кучайтирилди. Президентимиз Фармонига биноан, мазкур йилда бошоқли дон харид нархлари ҳар килограммига ўртача 300 сўм-купондан қилиб белгиланиши бу соҳа меҳнаткашлари учун ғамхўрликнинг аниқ мисолидир. Шунингдек, дон учун давлат буюртмаси 75 фоизга туширилди. Ғалла мустақиллигига эришиш йўлидан борилаётганлиги қувонарлидир. Бу йил бошоқли дон етиштиришни 2 миллион 300 минг тоннага етказиш, шундан 1 миллион тоннасини давлатга сотиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 350 минг тонна шоли тайёрлаш кўзда тутилган. Албатта, бундай миқдордаги ғаллани тез ва соз, нобудгарчиликка йўл қўймай қабул қилиб олиш корпорация жамоаси зиммасига жиддий масъулият юклайди. Айни пайтда 78 корхона ва ғаллазорларга яқин ерда жойлашган 67 та мунтазам ҳамда мавсумий дон қабул қилувчи пунктларимиз янги мавсумга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Замонавий элеваторларнинг деярли ҳаммаси янги ҳосилни қабул қилишга шай бўлиб турибди. Дон қабул қилувчи корхоналарни тўла механизациялаштиришга ҳаракат қилинаётир. Омбор ва шийпонлар тартибга келтирилмоқда. Донни қуритишга мўлжалланган асфальт майдонлар таъмирланяпти. Ғалла сифатини аниқлайдиган лабораторияларнинг ҳаммаси зарур анжомлар билан жиҳозлаб бўлинди ҳамда юқори малакали мутахассислар билан тўла таъминланди.

Бироқ бозор иқтисодиётига ўтишдаги қийинчиликлар корпорацияни ҳам четлаб ўтмади. Булар, аввало Ҳамдўстлик мамлакатларидан келтириб турилган технология ва эҳтиёт қисмларнинг тўхтаб қолгани билан боғлиқ. Шунга қарамасдан, жамоа мутахассислари турли ташкилот, корхона, вазирликлар билан яқин ҳамкорликда изланмоқдалар. Донни бир қадоғини ҳам нобуд қилмаслик чораларини кўришаётир.

Хуллас, дон қабул қилувчи корхоналар ҳукуматимиз топшириғини бажариш юзасидан амалий ишларни қизитиб юборишган. Ғаллакор хўжаликлар билан давлатга дон сотиш шартномалари имзоланмоқда. Ҳозиргача Навоий, Наманган, Самарқанд, Хоразм сингари вилоятлар хўжаликлари билан шартномалар тузиб бўлинди.

— Корхоналаримиз давлат буюртмасини ошириб бажарган ёки давлат буюртмаси бўлмаган хўжаликлардан келишилган нархларда ғалла сотиб олиш имкониятига ҳам эга,— дейди корпорациянинг дон тайёрлашни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи Рустам Каримов.— Эркин нархлар эса мазкур хўжаликлар иқтисодий аҳволини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Мустақилликнинг хўжаликлар тимсолидаги бундай кўриниши пировард натижада дон маҳсулотларини кўпайтиришга олиб келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, йил охирига бориб мўлжалдагидан ҳам знёдроқ дон маҳсулотлари етиштириш имкони бор. Бунга четдан келтириладиган донни қўшиб ҳисобласак, унда ғалла заҳираларимиз аввалги йилларга нисбатан бир ярим—икки баравар кўпаяди. Булардан хулоса шуки, демак, аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлаш аҳволи ҳам шунча барқарор бўлади, дейишга тўла асос бор.

Абдунаби МАННОПОВ,
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

КЎНГИЛ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Навқирон Навоий вилоятида бугунги кунда тўқсондан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилишмоқда. Айниқса вилоятда қозоқлар кўпчиликни ташкил этади. Айни пайтда Учқудуқ, Томди, Конимех туманларида, афсонавий шаҳарлар Зарафшон ва Учқудуқда 84 миллион ортиқ қозоқлар ўзбеклар билан бир сафда туриб ишлашмоқда.

Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Навоийда ҳам бу шодиёналар зўр шоду ҳуррамлик билан ўтмоқда. Қардошларнинг нурчилар, кимёгарлар, саноатчилар билан учрашуви олдидан вилоят ҳокимлигида делегация вакиллари қабул қилинди. Қабул маросимида вилоят ҳокимининг биринчи муовини А. Алиқулов, делегация бошлиғи, Қозоғистон республикаси саноат вазирининг ўринбосари С. М. Байжанов қатнашдилар.

Қозоғистонликлар дастлабки сафарни Навоий шаҳридан бошлашди. Айниқса меҳмонларни шаҳар саноати, унинг ишлаб чиқариш қуввати қизиқтирди. Ўнлаб турдаги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқараётган машинасозлик заводи, кимё маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқаётган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги замонавий технология, такомиллашган асбоб-ускуналар катта таассурот қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида делегация вакиллари икки гуруҳга бўлиниб, Учқудуқ, Томди туманларига жўнаб кетишди. Сафар давомида меҳмонлар чўпон-чўлиқлар нинг бугунги яшаш шароити билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, делегация вакиллари вилоятнинг тарихий обидалари ва зиёратгоҳлар диёри Нуротада ҳам бўлишди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕН МЕНИНГ ЖИГАРИМ

Ўлжас СУЛЕЙМАНОВга

Сен келдинг шаҳримда
тонг отар.
Шодликдан кўнглимга кун
ботар...
Ногаҳон ярқ этса,
тўп юлдуз,
Мабодо, адашсам, не
хатар?
Ва лекин, бир нарса
эмас сир:

Сен менга,
наҳотки, барибир?!
Йўқ!
сени дўст десам,
қариндош,
Қариндош десам, дўст бир
умр...
Сен дўлвор қозоқнинг
боласи,
Бағри кенг қиру ўр,
даласи...
Сен менинг жигарим
бовурим,
Буюк турк элин кўз
қораси.

Рамз БОБОЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИГА МОНАНД БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби М. Расуловнинг партия Марказий Кенгаши X пленумидаги маърузаси

Пленумимиз муҳокамасига қўйилган масалалар ўзининг моҳияти жиҳатидан долзарб ва муҳимдир. Ўзбекистон Олий Кенгашининг XV сессияси қабул қилган қонун ва қарорлар мустақил давлатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий негизини яратиш борасида қўйилган яна бир жиддий қадамдир.

Ўзбекистон Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи дастурий аҳамиятга молик воқеа бўлиб, унда ислоҳотлар сиёсатининг дастлабки босқичида қилинган ишларга якун ясалди. Мамлакат олдида турган янги, янада мураккаброқ вазифалар асослаб берилди.

Бугун ислоҳотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли бўлганлиги ҳақида дадил гапириш мумкин. Кишилар дунёқараши, руҳияти ўзгараётганлиги унинг натижасидир. Меҳнатга муносабат ўзгармоқда. Мулк ўзининг чинакам соҳибини топиши учун тегишли омиллар вужудга келтирилмоқда. Хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳатдан тикланишига сабот билан, изланувчанлик ва ташаббускорлик билан олиб борилаётган ишлар кўмак бермоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг янги босқичи асосий моҳиятини бу соҳадаги эркинликни янада кенгайтириш борасидаги тадбирлар ташкил қилмоқда. Республика Президентининг шу йил 21 январдаги Фармони, ҳукуматимиз чиқарган туркум қарорлар айнан ушбу мақсадга қаратилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги ривож топмоқда. Қозоғистон билан ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида Шартнома тузилди. Кейинчалик унга Қирғизистон қўшилди.

Ўзбекистон давлат делегациясининг Россияга биринчи расмий ташрифи пайтида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Россия Ўзбекистонни тенг ҳуқуқли, иқтисодий ва сиёсий шерик сифатида тан олди.

Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари, Англия, Олмония, Нидерландия Қироллиги, Ҳиндистон, Туркия ва бир қатор давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда. Хитой Халқ Республикаси ҳукумат бошлиғи Ли Пэн ва Франция Президенти Франсуа Миттераннинг мамлакатимизда меҳмон бўлишлари, Ўзбекистон раҳбарининг Японияга қилган расмий-амалий ташрифи фикримизни тасдиқлайди.

Ислоҳотларни амалга оширишда бутун жамият кучғайратини жипслаштириш — ислоҳотлар янги босқичи муваффақиятининг ҳал қилувчи омилидир. Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари, бошланғич ташкилотлари, ҳар бир аъзоси ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ўз ўринларини топиб олишлари керак.

Ҳозирги босқичда биринчи галдаги вазифаларимиз нималардан иборат?

Биринчи. Аввалгидек, марказий, ўзак масалалардан бири — республика раҳбарияти ишлаб чиққан ислоҳотлар йўлини сиёсий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаш, ислоҳотлар ғоясини кенг халқ оммаси томонидан чуқур тушунишни таъминлашдир.

Барча даражадаги партия ташкилотлари партиямиз аъзоси бўлган депутатлар ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идоралари раҳбарлари билан биргаликда И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш сессиясидаги нутқи асосий қоидаларини халққа етказиш ишларини авж олдириб юборишлари керак. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг янги босқичи хусусиятларини ҳар бир фуқаро томонидан чуқур англаб етилишига алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Одамларда мулкнинг янги шаклларига нисбатан тўғри муносабатда бўлишни шакллантириш муҳимдир. Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, мулкчиликнинг хилма-хиллигини қарор топтириш, иқтисодий эркинликни кенгайтириш, соғлом тадбиркорлик ва шахсий ташаббускорликни ривожлантириш — танглик ҳолатларини бартараф қилишнинг анча тез ва самарали йўли эканлигига, булар келажакдаги ёрқин истиқболнинг ишончли негизини вужудга келтиришларига кишиларни ишонтириш керак.

Мустақил давлатимиз кўзлаётган ва интилаётган келажак ўз-ўзидан келмаслиги тўғрисидаги ҳақиқатни яхшилаб тушунтиришга алоҳида аҳамият бериш даркор. Ёрқин истиқбол Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг бугунги кундаги тинимсиз меҳнати билан яратилади. Шу боис партия ташкилотларининг вазифаси одамларда бунёдкорлик меҳнатига интилишни, ислоҳотларнинг янги босқичини амалга оширишда фаол қатнашишга руҳлантирувчи ҳислатларни қатъият билан шакллантиришдан иборатдир.

Партия ташкилотлари одамлар кайфиятидаги, жамоатчилик фикридаги ўзгаришларни жуда сезгирлик ва диққат билан илғаб олишлари керак. Собиқ СССРни тиклашга даъватлар асоссизлиги ва хатолигини ишонарли тарзда кўрсатиб бериш лозим. Эски даврларни қўмсаётган кишиларни мустабид тузумдан қолган ғоялардан воз кечишга, халқ билан ҳақиқий озодлик ва Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун курашга қўшилишга даъват этиш ўта муҳимдир.

Иккинчи. Янги босқичда партия ташкилотлари ХДП аъзоларининг ислоҳотларни амалга оширишга фаол иштирок этишларини таъминлашни ўзларининг асосий вазифаларидан бири, деб билишлари лозим.

Ислоҳотлар янги босқичининг асосий моҳияти **иқтисодий эркинликни кенгайтириш, соғлом тадбиркорлик ва шахсий ташаббускорликни ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлашдан, кўп укладли иқтисодиётни амалда қарор топтиришдан иборатдир.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, барча даражадаги партия ташкилотлари иқтисодиётнинг нодавлат жабҳаларида ўз таъсирларини мустаҳкамлашлари, ишлаб чиқариш—хўжалик тузилмаларининг оёққа туриб олиши ва ривожланишига кўмаклашишлари ниҳоятда муҳимдир. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Жиззах, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги кўпгина партия кенгашлари ва ташкилотлари бу йўналишда муайян ишларни олиб боришяпти.

Умуман олганда, иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, Президентимизнинг кейинги фармонлари туфайли халқимизнинг мустабид тузум ҳукмронлиги оқибатида деярли йўқ бўлиб кетган тадбиркорлик, ишбилармонлик, меҳнатсеварлик сингари азалий фазилатлари янгидан қанот ёзмоқда. Бироқ партия ташкилотларининг раҳбарлари орасида ҳанузгача эскича фикрлаш асоратларидан қутула олмаган, иқтисодий ислоҳотларнинг одамлар маънавий-ахлоқий қиёфасини ўзгарувчанлик аҳамиятини тушуна олмаётганлар ҳам оз эмас.

Республикада, бозор муносабатлари боис, янги ижтимоий қатлам — тадбиркорлар вужудга келмоқда. Улар ўз меҳнатлари, қатъиятлиликлари, ишни ташкил эта олиш маҳоратлари билан мамлакатнинг равнақи учун замин яратишга ҳисса қўшмоқдалар. Бундай кишиларнинг фойдали ташаббусларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларини умум мулкига айлантириш, улар тўғрисида жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантириш —ҳар бир партия ташкилотининг бевосита вазифаси ва бурчидир.

Зотан, кўпгина тадбиркорлар, фермерлар учун партиямизнинг дастурий мақсадлари жозибали кучга айланмоқда. 1993 йилда иқтисодиётнинг нодавлат жабҳасидаги партиямиз аъзолари сони деярли 5 баравар кўпайди ва 15 минг нафардан ошиб кетди.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий йўналтирилган бўлиши, улар кишиларнинг турмуш даражаси пасайишига олиб келмаслиги учун жуда кўп ишлар қилинмоқда. Бунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ҳаммасини иложи борича иш билан банд қилишга, янги иш ўринларини яратишга алоҳида аҳамият бериляпти.

Кўпгина партия ташкилотлари ушбу масалаларни ҳал этишда фаол қатнашмоқдалар. Тўрткўл туманидаги йигирув-тўқув бирлашмасининг партия ташкилоти бир қатор жамоа хўжаликларида бирлашма шаҳобчаларини яратишга кўмаклашишни ўз фаолиятининг устувор йўналиши, деб ҳисобламоқда. Бу туманда қўшимча 500 та иш ўринни вужудга келтириш имконини беради.

Биз аҳоли зич яшайдиган жойларда кичик корхоналарни ташкил этиш, қишлоқда саноат тармоқларини вужудга келтиришга қаратилган республикамизда амалга оширилаётган ишларни ҳар томонлама қўллашимиз ва уни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Учинчи. Ислоҳотларнинг янги босқичида барча бўғиндаги раҳбарларга нисбатан талабчанлик янада ошади, **кадрлар сиёсатини** амалга ошириш янги даражага кўтарилади.

И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда раҳбарлар, айниқса, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларга бошчилик қилиш ишониб топширилган ҳокимлар маънавий юклик ва ҳалоллик каби юксак фазилатларга эга бўлишлари керак.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари орасида бундай ҳислатларга эга бўлган кишилар оз эмас. Уларни барча яхши ишларида ҳар томонлама қўллаб-қуватлашимиз, обрў-эътиборларини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, улар раҳбарлик қилаётган ҳудудларда соғлом маънавий-сиёсий муҳитни вужудга келтиришга ёрдамлашишимиз зарур.

Айни пайтда, ҳокимият ва бошқарув органларида масъул лавозимларида ишлаётган партия аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтириш лозим. Афсуски, раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган ХДП аъзоларига баҳо беришда ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳам зарур қатъият кўрсата олмаяпмиз. Биз бу масалани ўз пленумларимизда бир неча марта кўтарганмиз. Бундан хабарларингиз бор.

Тўртинчи. Олий Кенгаш сессияси бўлажак сайловларни ўтказишнинг йўллари ва воситаларини белгиловчи бир қанча ҳужжатларни қабул қилди. Шу муносабат билан, сессияда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун бўйича жойларда бошлаб юборилган ишларга тегишли аниқликлар киритиш талаб қилинади. Партия кенгашлари ва ташкилотлари қабул қилинган қонунларни рўёбга чиқариш йўлларини фаоллар иштирокида диққат билан ишлаб чиқишлари, маҳаллий ҳокимият идораларига сайловларга дастлабки тайёргарлик ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар мажмуини белгилаб олишлари зарурдир.

Бу ерда энг асосий масала — ҳудудий партия ташкилотлари шахобчаларини изчиллик билан ривожлантиришдир. Маҳаллий партия органлари Марказий Кенгаш пленумларининг кўрсатмаларини бажара бориб, мазкур йўналишда муайян силжишларга эришдилар. Бевосита аҳоли ўртасида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларининг сони 3500 тадан ошиб кетди, ҳозир ҳудудий партия ташкилотлари республикадаги 1,1 мингтадан ортиқ маҳаллада ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили ҳудудий партия ташкилотлари Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида анча кўпайди.

Бироқ, айрим вилоятлар, шаҳар ва туман партия кенгашлари, илгаригидек бу масалага етарли аҳамият бермаяптилар. Масалан, Паркент туманида 67 та маҳалла кенгаши мавжудлигига қарамай, шу пайтгача уларнинг биронтасида ҳудудий партия ташкилоти тузилмаган. Айрим туманлардаги маҳаллаларда партия ташкилотлари сони 2—3 тадан нарига ўтмаётир. Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида ҳам ҳудудий партия ташкилотлари сони айтарли ошмаяпти.

Барча маҳаллаларда партия ташкилотларини тузиш, улар орқали эса, мумкин қадар кўпроқ сайловчиларни партия таъсири доирасига тортиш — шу кунларнинг биз учун энг муҳим вазифасидир.

Бўлажак сайловлар тобора яқинлашиб келмоқда. Бу биздан уларга тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб юборишни талаб этади. Марказий Кенгаш IX пленуми қарорига мувофиқ партиямизнинг сайловолди дастури лойиҳасини тайёрловчи комиссия тузилди ва у ишга киришди. Биз бу ишга маҳаллий партия ташкилотларини кенг жалб қилмоқчимиз ҳамда Марказий Кенгаш аъзоларидан таклифлар беришни сўраймиз.

Бугун биз пленумда кўриб чиқишимиз лозим бўлган иккинчи муҳим масала **партиямиз ёшлар сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида.**

Мамлакатимиз аҳолисининг тахминан ярмини ёшлар ташкил этади. Уларни мустақил ҳаётга киришга тайёрлаш, турмушнинг аччиқ-чучукларига бардош беришга ўргатиш — бизнинг бурчимиз. Мустақил давлатимизнинг нурли келажаги, ҳур мамлакатимизнинг истиқболи учун ёш авлод олдидаги масъулиятимиз янада ошади.

Президентимизнинг ёшлар масаласига муносабати ва улар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги барчага маълум. Унинг ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, **«Соғлом авлод учун»** ордени таъсис этилди, шу номдаги халқаро ҳайрия жамғармаси тузилди. Ўтиш даврининг мураккаб шароитида оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя этувчи, кўп болалилар, ёшувчи ва талабаларга давлат имтиёзларини берувчи фармон ва қарорлар амалга оширилмоқда.

Биз республикамиз раҳбариятининг ушбу халқчил олийжаноб йўлини барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш, уни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш билан бир қаторда доир яхлит сиёсатини ишлаб чиқишимиз ва уни амалга ошириш механизмларини белгилашимиз зарур. ХДП дастурида партия давлатнинг ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги сиёсатини амалга ошириш учун шарт-шароит яратишнинг сиёсий кафили бўлиш ниятидадир, деб ёзилгандир. Шу йўналишда анчагина ишлар амалга оширилди.

Ёшларга оид бизнинг сиёсатимиз Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда туб ислоҳотлар қилиш, халқимизнинг истак-иродаси, орзу-умидларига мос демократик, ҳуқуқий давлатни, адолатли жамиятни бунёд этиш, юртимизни дунёга танитиш талабларига асосланган бўлмоғи керак. Бундай сиёсатнинг ўзагини фарзандларимизни шарқона таълим-тарбия қоидаларига кўра ҳамда маърифатли мамлакатларнинг тажрибасини ўз миллий шароитларимизга мослаш воситасида соғлом, билимли, касб-корли, одобли, меҳнатсевар, ватанпарвар, инсонпарвар этиб шакллантириш ғоялари ташкил этади.

Албатта, бу — тезлик билан бажариладиган вазифа эмас. Бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, ота-оналар, ёшлар уюшмалари узоқ муддатли дастурларни ҳамжиҳатлик билан рўёбга чиқаришлари талаб этилади.

Хабарингиз бор, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми «Соғлом авлод учун» жамғармасини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унда партия ташкилотларининг шу соҳадаги хайрли ишлари, тўпланган тажриба ижобий баҳоланди, уларнинг олдига янги вазифалар қўйилди.

Ёш авлодни вояга етказиш — унинг жисмоний саломатлигини таъминлашгина эмас, балки, авваламбор, у ёшларимизнинг маънавий соғлом бўлишига эришишни тақозо этади. Бунинг учун, даставвал фарзандларимизни ўқитиш тизимини замон талаблари ва жаҳон тажрибаси асосида ташкил этиш зарурдир. Шундан келиб чиқиб, республикада халқ таълимини ислоҳ қилишга киришилди, янгича ўқув юртлари ташкил этилмоқда, хорижий мамлакатларда синаб кўрилган ўқув-тарбия услублари қўлланилмоқда, янги дарсликлар, ўқув дастур ва қўлланмалари тайёрланмоқда.

Олий таълим тизимида ҳам кейинги пайтларда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлашни жаҳон андозалари асосида қайта ташкил этиш мақсадида муайян қадам қўйилмоқда. Деярли барча вилоятларда университетлар ишлаб турибди. Ўқишга кирувчиларни тест усулида синаб кўриш жорий қилинди. Ўқитиш кўп ҳолларда янги дастурлар асосидаги замонавий услубларда олиб борилмоқда. Талабаларимизнинг бир қисми ҳорижий олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Республика раҳбариятининг истеъдодли ёшларни излаб топиш ва тарбиялашга катта эътибор бераётганлиги маълумдир. Ана шу мақсадда махсус жамғармалар, Президентимиз стипендиялари таъсис этилди, ёш олим ва ижодкорларни давлат томонидан уй жой билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Партия ташкилотларимиз ҳам бу борада маълум саъйи ҳаракатлар қилмоқдалар. Жумладан, улар Улуғбек номли ва «Истеъдод» жамғармалари, халқ таълими идоралари ҳамда олий ўқув юртлари маъмурияти билан ҳамкорликни, бўлажак олимлар, ёзувчилар, мухандислар, спорт усталарига моддий ёрдам кўрсатишни уюштирмоқдалар. Партиямиз республика Талабалар жамғармаси муассисларидан бири. Бу хайрли ишларни бундан кейин ҳам давом эттириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биз наслимизни соғломлаштириш, ёшларни ўқитиш, уларга билим ва мутахассислик бериш, касб ўргатиш соҳаларида кўпгина муаммолар борлигидан кўз юма олмаймиз.

Ҳаммамизни кўпдан бери ташвишлантираётган нарса — болалар ўлимининг кўплигидир. Бу соҳада давлат соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий ҳокимият идоралари кейинги йилларда кўп ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Шунга қарамай, чақалоқларнинг бир қисми бир ёшга етмасдан ҳаётдан кўз юммоқда. Туғма касалликлар билан дунёга келаётганлар оз эмас.

Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик вазият одамлар саломатлигига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз ушбу муаммо фақат шу минтақага ва бизнинг республикамизгагина тааллуқли эмаслигига, уни ҳал этишга ҳорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар кўмаклашишлари лозимлигига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини бир неча марта қаратди. У кишининг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатларининг Орол жамғармаси тузилди, қатор халқаро анжуманлар ўтказилди. Биз шу йўналишдаги саъйи ҳаракатларимизни кучайтиришимиз лозим.

Кейинги йилларда боғчаяслилар масаласига эътибор сусайди. Кўп жойларда корхона ва хўжаликлар иқтисодий қийинчиликларни баҳона қилиб, тарбияланувчиларнинг аҳволидан хабар олмаяптилар, ўз қарамоғларидаги болалар масканларини ёпиб қўймоқдалар.

Халқ таълими тизими ва олий ўқув юртларида ҳам қийинчиликлар оз эмас. Билим юртлари, техникум ва университетлар, илмий муассасалар малакали мутахассисларининг иш ҳақи кўпроқ бўлган соҳаларга, жумладан, тижоратга ўтиш ҳоллари кўпаймоқда. Сиёсий ижроия қўмита ва маҳаллий партия кенгашлари тегишли ташкилотлар билан биргаликда бундай аҳволнинг туб сабабларини чуқур ўргансалар, ушбу масалалар юзасидан ўз таклифларини ишлаб чиқиб, ҳокимият ва бошқарув идоралари олдига қўйсалар тўғри иш бўлур эди.

Миллат наслини яхшилаш ва соғлом авлодни шакллантириш муаммоларини ҳал этишда нафақат давлат идоралари, балки корхоналар жамоат ташкилотлари, маҳалла, оила, умуман жамоатчилик биргаликда, уюшган ҳолда фаол иштирок этмоқлари даркор.

Ёшларимизнинг ўқишга, билим олишга қизиқиши сусайиб кетаётганлиги ҳам бизни жуда ташвишлантирмоқда. Кўплаб болалар китоб мутолаа қилиш, ҳунар ўрганиш, жисмоний тарбия ва спорт билан машғул бўлиш ўрнига кўча-куйда санғиб, вақтларини беҳуда ишлар билан ўтказмоқдалар. Бозор ва кўчаларда салқин ичимликлар, вино-ароқ, сигарета ва сақич сотиш билан пул топишга муккасидан кетган ёшларимизнинг ортанги куни ҳақида мутасадди ташкилотлар ва ота-оналарнинг жиддий ўйлашлари пайти келмадимикин?

Кейинги пайтларда юртбошимиз шу масалага диққат эътиборимизни бир неча марта қаратди. Хусусан, Олий Кенгашнинг XV сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек келажаги буюк давлат, биринчи навбатда, ўзининг бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи лозим. Хўш, бизда аҳвол қандай? Афсуски, унчалик яхши эмас. Болалар орасида чайқовчилик, гиёҳвандлик, жиноятчиликнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Бу соҳаларнинг ўз мутасадди идора ва ташкилотлари бўлса-да, партиямиз ушбу муаммоларга бефарқ қарай олмайди, чунки у халқимиз, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олган. Шу боис, ёшлар тарбияси билан шуғулланувчиларни ўз таъсир доирамизга тортишимиз, уларнинг орасидан ўз маслакдошларимиз сафини кенгайтиришимиз зарур.

Ўқув юртларини партиядан ҳоли қилиш — профессор-ўқитувчи ҳамда талабалар орасида иш олиб бориш тақиқланади, деган маънони билдирмайди. Ушбу ҳақиқатни яхши тушуниб ишлаётган партия кенгашларимиз оз эмас. Жумладан, Тошкент талабалар шаҳарчасида ва Фарғона политехника институти ётоқхоналарида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабларни бирлаштирувчи партия ташкилотлари яхши фаолият кўрсатмоқдалар. Бундай мисоллар кам эмас.

Лекин, очиғини айтиш керак, партиямиз таъсиридан узоқда турган тиббиёт ва маориф ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари талайгина.

Талабалардан энг муносибларини ХДП аъзолигига қабул қилиб, уларни бирлаштирувчи ҳудудий ташкилотларимизни тузиш — партия кенгашларининг муҳим ишидир. Айни пайтда, талаба—ёшлар орасида олиб бориладиган ишларнинг самарали ва таъсирчан шаклларини қидириб топиш лозим. Талабаларнинг қизиқишлар бўйича клублари ва уюшмалари, бошқа шаклдаги тузилмаларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Партиямиз таркибидаги ёшларни бирлаштирувчи ўз қаноатли ва унинг ташкилий тузилмалари тўғрисида ўйлаб кўриш вақти етди.

Бозор иқтисодиётига ўтаётганлигимиз сабабли ёшларимиз ўртасида мустақил ҳаракатлар билан маблағ тўплаб, ўз ишини йўлга қўйиш тамойили анча кучайди. Бунинг ёмон жойи йўқ. Фақат уларни тўғри йўналтириш, куч-ғайратларидан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш зарур. Партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасида таъкидланганидек, ёшларни фақат иҳтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш — уларни самарали тарбиялашнинг ҳал қилувчи омилидир.

Давлатимизда ёшларнинг хусусий бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришдаги қўйилаётган одимларнинг аҳамиятини асло камайтирмаган ҳолда, бу соҳада ҳал этилмаган кўпгина муаммолар борлигини унутмаслик лозим. Ёшлар республикамиздаги ишсизларнинг катта қисмини ташкил қилади. Ишга биринчи марта кираётган йигит ва қизларнинг учдан икки қисми эса ихтисосга эга эмас.

Партиямиз ташкилотлари, халқ депутатларимиз, фаолларимиздан ёшларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришда ҳокимлар, бошқарув идоралари, хўжалик раҳбарларига яқиндан кўмаклашиш, ташаббус кўрсатиш талаб қилинади.

Президентимиз давлат истиқлолига садоқатли, юқори малакали ёш кадрларни тарбиялаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтариш ислоҳотларнинг муҳим кафолатидир, деб таъкидлаб, лаёқатли, ташкилотчилик қобилиятига эга, ишчан ёш ходимларга кенг йўл очиб беришга даъват этмоқда.

Бу мураккаб ва ўта масъулиятли вазифани ҳал қилишда биз ҳам четда тура олмаймиз, албатта. Сиёсий ижроқўм бу иш Сурхондарё вилоят партия ташкилотларида қандай йўлга қўйилганлигини муҳокама қилди. Камчилик ва нуқсонлар кўрсатилди, тавсиялар берилди. Бироқ, жиддий ўзгаришгача ҳали узоқ.

Партия Марказий Кенгаши тажриба тариқасида Наманган ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига давлат аппаратининг ёш, истиқболли ходимлари, тадбиркорлар, етакчилар билан ижодий ва амалий учрашувларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга кўмаклашди. Учрашувлар бизнинг «Ёшлар етакчилари», деб номланган клубимизда, ўтказилди. Партия кенгашларига шу хусусдаги услубий тавсиялар юбордик. Жойларда шу масалага доир бошқа тажрибалар ҳам йўқ эмас. Вазифа — ушбу иш билан мунтазам шуғулланиб, уни такомиллаштириб боришдан иборат.

Кейинги йилларда ёшларнинг театрларга, музейларга, кўргазма ва кутубхоналарга бориши, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига қатнашиши бироз камайиб кетди. Жисмоний тарбия, оммавий сайёҳлик билан шуғулланиш соҳасида ҳам аҳвол шундай. Бу нарса ҳаммамизни чуқур ўйлантирмоғи, масаланинг ечимини топишга ундамоғи керак.

Муносиб ворисларни вояга етказишнинг энг асосий талабларидан бири — ёшларимизни она Ватанни сўзсиз севиш, унинг буюк келажагига қаттиқ ишониш, гуллаб-яшнаши йўлида тер тўкиб меҳнат қилиш, ҳар бир қарич ерини, шон-шуҳратини ҳимоя қилиш учун жонини ҳам аямайдиган фидойилилик руҳида тарбиялашдир. Бу вазифани бажариш учун бир томондан, давлат муассасалари ва иккинчи томондан, Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш яхши натижалар беради. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мамлакатдаги ёшлар ҳаракатининг ўзаги ҳисобланади. У ўзининг яқинда ўтказилган XXVI қурултойида партиямиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканлигини тасдиқлади. Қурултой ислоҳотларга садоқатли, юксак ватанпарварликни намойиш қилиб, уюшқоқликни мустаҳкамлаш йўлини танлади.

Ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги шартномамиз, хусусан, жойларда бирмунча яхши бажарилмоқда. ХДП ва Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг қўшма пленумларини ўтказиш йўлга қўйилди. Бухоро, Тошкент ва Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри партия кенгашлари ўзларининг ижроия бюро йиғилишида ёшларга партиявий таъсирнинг аҳволи ва бу борадаги вазифаларни кўриб чиқдилар. Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари ва қемиталар билан ҳамкорлик қилиш чоралари белгилаб олинди.

Партиямиз ёшлар билан иш олиб боришдан ўзининг сиёсий манфаатлари борлигини яширмайди. Лекин, амалий ишларимиздан ва мазкур маърузадан ҳам кўриниб турибдики, бизнинг манфаатларимиз тор партиявий бўлмай, улар ёшларнинг ҳам, давлатнинг ҳам манфаатлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Биз кучли ва яхлит ёшлар сиёсатини ўтказишда Ёшлар Иттифоқига ва ҳамма ёш ватанпарварларга қўлимизни чўзамиз, ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига бу ишда бор имкониятлар билан кўмаклашамиз.

Бу билан партиямиз нуфузини, унинг жамиятимизни мустаҳкамлашда, дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқаришда фахрийларимизнинг тутган ўрни ва аҳамиятини сира камайтирмоқчи эмасмиз. Аксинча, ҳамма ишларимизда шу жумладан, ёшлар тарбиясида уларга таянамиз, қимматли маслаҳатларини оламиз.

Аммо, партиямизнинг келажаги ундаги ёшларнинг салоҳияти билан белгиланади. Зеро, партиямиз раиси И. А. Каримов ХДП тузилаётганида кўрсатиб ўтганидек, «ёшлар партиянинг асосий таянчи бўлиб қолишлари керак».

Энди пленумимиз кун тартибининг сўнгги масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумки, ХДП ташкил топгандан бери Марказий Кенгаш партия бюджетини мустаҳкамлаш, унинг ҳисобидан ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни таъминлаш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. 1993 йилда барча даромадларимизнинг 26,2 фоизи аъзолик бадалларидан, 42,8 фоизи ишлаб чиқариш — хўжалик фаолияти ва 31 фоизи бошқа манбалардан тушди. Ўтган йили барча партия ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатларни тўла қоплашга муваффақ бўлинди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган молия йилини умуман яхши якунлаган бўлсакда, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, Бухоро, Жиззах ва Сурхондарё вилоят партия ташкилотларида даромадга нисбатан сарф-харажатларнинг анча ошиб кетишига йўл қўйилди.

Биз Марказий Кенгаш пленумларида, Сиёсий ижроқўм мажлисларида маҳаллий партия ташкилотлари диққат эътиборини аъзолик бадалларини тўлаш масалаларида тартиб ўрнатиш заруратига бир неча марта қаратдик. Уларнинг кўпчилиги танқиддан тўғри хулоса чиқариб олди. Масалан, Тошкент шаҳар партия ташкилотидаги аҳвол анча яхшиланди. Қорақалпоғистон республикаси, Сирдарё ва Хоразм вилоят партия ташкилотлари дурустгина натижаларга эришмоқдалар.

Бироқ, ички партия ҳаётининг мазкур муҳим талабига масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги қатор партия кенгашлари ушбу масала билан ниҳоятда суст шуғулланмоқдалар.

Бугунги пленум қатнашчилари эътиборига 1994 молия йили учун партия бюджети лойиҳаси ҳавола этилмоқда. У барча вилоят партия ташкилотларида дастлабки тарзда муҳокама қилинганда билдирилган таклиф ва истаклар ҳисобга олиниб тайёрланган. Партиямизнинг жорий йилдаги молиявий аҳволи анча мураккаб кечади.

Сиёсий ижроия қўмита вилоят партия кенгашлари билан маслаҳатлашиб, партиямиз тузилмаларини давр талаблари ва олдимизда турган вазифаларга монанд равишда такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда барча даражадаги партия кенгашларида бевосита мафкуравий ишлар билан шуғулланувчи бўлинмаларни ташкил қилиш ва партия аппарати ходимлари иш ҳақини, ХДП аъзоларининг вилоят, шаҳар, туман ташкилотларимиздаги умумий сонига қараб белгилаш кўзда тутилгандир. Бунинг учун ҳам маблағ зарурдир.

Бундай аҳвол партия бюджетини барқарорлаштириш учун қатъий чора-тадбирлар кўришни, тез суръатлар билан кўпайиб бораётган харажатлар учун қўшимча манбаларни қидириб топишни талаб қилади. Шунингдек, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчи. Тежамкорликни кучайтириш, партия маблағларини тежаб-тергаб ишлатиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

Иккинчи. Молия интизомини мустаҳкамлаш, партия аъзолик бадалларини тўлаш масалаларида ҳамма жойда зарур тартиб ўрнатиш.

Учинчи. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш.

Ана шундай қилгандагина партиямизнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш негизида унинг аҳоли ўртасида ишлаши учун етарли имкониятларга эга бўлишимиз мумкин.

Маърузанинг якунида бугун пленумимизда муҳокама этилаётган масалаларнинг партиямиз фаолияти, мамлакатимиз иситқболи учун ниҳоят даражада аҳамиятли эканлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Вазият ҳар биримиздан аниқланган вазифаларни ҳал этишга бутун куч-ғайратимизни қаратишни талаб этмоқда.

Келинг, ўртоқлар, буюк ўзгаришлар даврига монанд бўлайлик, Ўзбекистон ХДП салоҳиятининг ўсишига муносиб ҳисса қўшайлик, амалий ишларимиз билан мамлакатимизнинг равнақи йўлида, партиямиз Раиси даъват этганидек, ёниб ишайлик!

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

* Маруза қисқартирилган тарзда босилмоқда.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 59

1994 йил 26 май.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

НАМАНГАН ТАЖРИБА ЗАВОДИ

жуда катта имкониятларга эга. Бу ерда ҳозирги кунда хом ашё танқислигига қарамай, қарийб 300 ишчи ва хизматчи иш билан таъминлайган.

Корхона бор ички имкониятларини ишга солган ҳолда халқ хўжалигига ва аҳолига энг зарур, юқори сифатли ўндан ортиқ турдаги маҳсулотларни узлуксиз етказиб бермоқда.

Заводнинг бошқа корхоналардан фарқи шуки, у корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, давлат тасарруфида бўлмаган меҳнат жамоалари ва барча фуқароларга бевосита хизмат кўрсатади.

Маҳсулотлар нархи икки томоннинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланади ва дунё бозоридаги нархларга нисбатан анча арзон сотилади. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиш керак.

Заводдан қуйидаги маҳсулотларни сотиб олиш мумкин.

— «ФАКЕЛЬ» сув иситиш қозони;

— «ДУ-50», «ДУ-80», «ДУ-100» русумли задвижкалар;

— таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган «ОПТ-1135—01» русумли КРАН;

— тахтага турли ишловлар берувчи «УНИВЕРСАЛЬ» дастгоҳи;

— полиэтилен қувурларни учма-уч пайвандлайдиган ҚУРИЛМА;

— «УГОП-НАП-9» русумли табиий газда ишлайдиган, иситиш маиший тармоқларига мўлжалланган ГАЗ ЁҚИШ ҚУРИЛМАСИ;

— хусусий ва давлат мулкини ишончли сақлашга хизмат қиладиган уч қулфли мустаҳкам ТЕМИР ЭШИК.

Шунингдек, корхонадан уй-рўзғорда ишлатиладиган **пластмасса вазалар, полиэтилен пакетлар, иссиқхоналар учун** турли ҳажмдаги **плёнка ёпқичлар** тайёрлатиб олишингиз мумкин.

Қуйида корхонада ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотларнинг техникавий тафсилотномаси билан таништириб ўтамиз:

«ФАКЕЛЬ» СУВ ИСИТИШ ҚОЗОНИ:

— қозоннинг иссиқлик алмашиш юзаси — 0,942 квадрат метр;

— иситиш бўшлиғининг ҳажми — 0,092 куб метр;

— аппарат сув камерасининг ҳажми — 120 т. литр;

— оғирлиги — 80 килограмм.

ТЕМИР ЭШИК:

— 890x2040 миллиметр ўлчамда тайёрланган бу эшик хусусий ва давлат мулкини ишончли сақлашга хизмат қилади.



тахтага ишлов берадиган «УНИВЕРСАЛ» дастгоҳи:

— бу дастгоҳ тахтага рандалаш, арралаш ва текислаш орқали ишлов бериш учун ишлатилади;

— дастгоҳ аррасининг максимал диаметри — 315 миллиметр;

— пармасининг максимал диаметри — 16 миллиметр;

— арраланадиган материалнинг максимал қалинлиги — 50 миллиметр;

— ишчи валдаги рандалаш тиғларининг сони — 2 дона;

— электродвигателнинг қуввати — камида 3,0 квт;

— номинал қуввати — 380 икки фазали;

— кесиладиган қиринди-нинг максимал қалинлиги — 5 миллиметр;

— рандалашнинг максимал қалинлиги — 250 миллиметр.

ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРНИ УЧМА-УЧ ПАЙВАНДЛАШ ҚУРИЛМАСИ



Қурилма тафсилотномаси қуйидагича:

— номинал кучланиши — 42 в;

— таъминлаш қуввати — 2 кв. А;

— қисиш мосламасининг ҳаракатланиш йўли — 60 миллиметр;

— иситиш мосламасининг даражани белгилаш оралиғи — 180—250 даража.

«УГОП-НАП-9» ГАЗ ЁҚИШ ҚУРИЛМАСИ

Табиий газда ишлайдиган иситиш маиший тармоқларга мўлжалланган бу қурилманинг:

— номинал иситиш қуввати — 9 киловатт;

— газнинг номинал босими — 1,3 ёки 2,0 Кпа;

— ўчоққа ўрнатиш рамкасининг ҳажми — 200x250 миллиметр;

— газ узатиш учун штуцер ўлчами: шартли ўтиш — 15 миллиметр, оғирлиги — 8 килограмм.



«ДУ-100» ЗАДВИЖКАСИ:



— задвижка қўлда бошқарилади;

— сув, буғ, нефть ва мойда ишлайди;

— оғирлиги — 45 килограмм;

— шартли ўтиш — 100 миллиметр;

ишчи муҳитнинг ҳарорати — 300 даражагача иссиқ.

«ДУ-50» ЗАДВИЖКАСИ:

— бу хилдаги задвижка қўлда бошқарилади;

— сув, буғ, нефть ва мойда ишлайди;

— оғирлиги — 25 килограмм;

— шартли ўтиши — 50 миллиметр;

— ишчи муҳитнинг ҳарорати 300 даражага иссиқ.

«ДУ-80» ЗАДВИЖКАСИ:

— задвижка қўлда бошқарилади;

— сув, буғ, нефть ва мойда ишлайди;

— оғирлиги — 35 килограмм;

— шартли ўтиши — 80 миллиметр;

— ишчи муҳитнинг ҳарорати — 300 даражагача иссиқ.

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН «ОПТ-1135-01» РУСУМЛИ КРАН:

Бу кран трактор ва автомобилларнинг двигателларини ва бошқа агрегатларни ўрнатиш, бўшатиб олишда ишлатилади. Шунингдек, ундан цех ичида ва гаражларда юк ортиш, тушириш ишларини ва юкларни узоқ бўлмаган масофаларга ташиш ишларини бажаришда қўлланилади.

Краннинг техникавий тафсилотномаси қуйидагича:

— юк кўтариш қобилияти — 3,2 тонна;

— юк кўтариш баландлиги — 3500 миллиметр;

— арқони диаметри — 11,5 миллиметр;

— юк учун кран кенглиги — 3050 миллиметр;

— устунлар ўртасидаги масофа — 3245 миллиметр,

— ғилдираклар ўқлари орасидаги масофа 2000 миллиметр.

Корхона маҳсулотларидан сотиб олсангиз, пулингизга ачинмайсиз. Фақат фойда қиласиз — ютқазмайсиз. Ҳисоб-китоб ишлари энг қулай бўлган усулларда — нақд пул ёки пул ўтказиш ёҳуд бартер (мол айрибошлаш) йўли билан амалга оширилади.

ЗАВОД МАНЗИЛГОҲИ: 716003, Навоий шоҳ кўчаси, 67. Телефонлар: 6-35-41, 3-84-43, Факс: 36922—63541, Телетайп — 258237 «ОПИТ».

Apple Macintosh компьютерлари барча имкониятларга бой



Бугун Apple компанияси сизларга бир қатор компьютер турларини арзонлаштирилган нархларда таклиф этмоқда. Сизнинг эътиборингизга Macintosh LCIII- кичик ва ўрта ҳил корхоналар учун энг мос компьютерни намойиш этамиз. Ушбу компьютер қуйидаги имкониятларга бой: Оператив хотираси миқдори - 4 Мб; қаттиқ диск миқдори - 80 Мб; дисплей- 14" SVGA; Ўзбек, рус, араб, турк ва бошқа тиллардаги операцион тизимга эга. Apple ишлаб чиқарадиган 1.44 Мб миқдорли Супер-Драйв Сизга MS-DOS, OS/2 ва барча бошқа тизимларда яратилган хужжатларни ўқишга имконият беради. Макинтош компьютерлари ички LocalTalk алоқа тизимларига эга, демак бир неча компьютерлар орасида алоқа тузиш учун Сиз ушбу Макинтош компьютерларни ўзаро улашингиз керак, ҳалос. Дарҳақиқат, Макинтош компьютерларининг имкониятлари чексиздир!

Нархи эса атиги : $1295

Телефон: 32-38-68
ABSYS- Apple Computer, Inc.
компаниясининг Марказий Осиёдаги
расмий дистрибьютори.

ABSYS
Apple Authorized IMC

• КУТЛОВ •

Ҳурматли дадамиз Маҳрамжон ПОМОЗОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Доимо бахтимизга омон бўлинг, эл назаридан қолманг, машаққатли ишларингизда доимо муваффақият ёр бўлсин!

Рафиқангиз **Дилбархон** ва фарзандларингиз **Дилшоджон, Шерзоджон, Ғайратжон** ва **Нилуфархон.**

Сирдарё вилояти, Ш. Рашидов тумани Ш. Рашидов номли давлат хўжалиги.

Параболик антенна

СОТИЛАДИ

Тел: 34-16-23.

Телевизорларни тузатамиз, декодерлар, масофадан бошқариш ДМВ, НЦ кириш мосламаларини ўрнатамиз.

Тел: 74-15-14.

«Улуғбек» метро бекати яқинида 2-қаватда жойлашган телефони бор 3 хонали квартирани

СОТАМАН,

ёки Пенза шаҳридаги квартирага алмаштираман.

ТЕЛЕФОН: 78-09-94.

«ЎЗҚИШЛОҚТАЪМИНОТТАЪМИРЛАШ» ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

УРТА ОСИЁ ТАЖРИБА ЗАВОДИДА ЕЙМА САВДО КУРГАЗМАСИНИ ўтказади.

1994 йил 31 майдан 1 июнгача давом этадиган кўргазмада металл қирқиш станоклари намойиш этилади.

МАНЗИЛ: 702832 Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул 1 почта бўлими, Ўрта Осиё тажриба заводи.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

«ТОҲАРИСТОН-ЧОҒОНИЁН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

УСКУНАЛАР (музлатиш машиналари ва камералари, қайнатиш қозонлари, гўшт, балиқ ва сабзавот қиймаларини тайёрлаш учун қийма қоришгичлар ва ванналар, қаҳва, дон, дориворлар янчиш ва майдалаш учун ярим автомат машиналар, электр сув иситгичлар, музқаймоқ тайёрлаш учун фрезерлар, колбаса ва дудлаш цехлари учун технологик ускуналар комплектлари, тикув, трикотаж, чарм-атторлик, пойабзал буюмларини безаклаш, метражли материалларни: гипюр, тикув ва каштачилик матолари тайёрлаш учун ярим автоматлар)ни етказиб бериш ва қуйидаги корхоналарни тегирмон ускуналари, кичик тегирмонлар, дон сақловчи омборлар ва қуритгичлар, нон заводлари, кичик сут заводлари, кичик новвойхоналар, чучвара, макаронлар, сут порошоклари, ярим қаттиқ пишлоқлар, казеин, болалар таомлари тайёрловчи линиялар, мевалар ва сабзавотлар консервалаш ва қуритиш, виноларни шишаларга қуйиш, ПВХ идишлари: цемент учун натранли қоплар, цементни қоғоз қопларга жойлаштириш, эски автомобиль шиналари, ёғоч чиқиндисини қайта ишлаш, брикетлар тайёрлаш ускуналари, такомиллаштирилган ёғ ва қаймоқ ажратгич, кичик сариёғ цехлари, қушхона (кичик қушхона) гўшт комбинати, парранда гўшти ва тухум олишнинг яхлит цикли, ўсимлик мойи, шакар, конфет, пиво, спирт, ДСП плиталари, ғишт, аралаш озуқа, мих, ишлаб чиқариш бўйича заводлар, кўйлак ва майка, трикотаж матоси, пахта ипи, қадоқловчи ойна, мол терисини қайта ишлаш бўйича комбинатлар ва фабрикалар ҳамда микрогидроэлектростанция (кичик ГЭС) ва кислород ҳосил қилувчи станцияларни қуриб, тайёр ҳолда топшириш кафолатлайди.**

Валюта ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Тошкентдаги алоқа телефони: (3712) 33-60-30, Факс: 44-29-97.

«МАДАНИЯТ»

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Тошкентдаги омбордан:

Урал мотоцикллари,

олий навли Хитой кўк чойи,

чет эл ароқлари,

«Стиморол» сақичлари,

турли газламалар ва бошқа халқ истеъмоли моллари

СОТАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 45-57-68, 45-85-56, 45-49-52.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРИГА ЁЗ ДАВРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

МУРОЖААТНОМА

1993 йил ёзида 900 дан ортиқ ёнғин содир бўлди. Бундан кўрилган зарар 90 миллион сўм-купонни ташкил этди.

Ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг олдини олиш учун айниқса ёз даврида қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН:

— қуриган ўт-уланлар, чиқиндилар ёқилишига, объектлар ҳудудларида ва уй-жой даҳаларида гулханлар қилишга йўл қўймаслик;

— объектлар ҳудудини ёнғин ўчиришнинг дастлабки воситалари билан таъминлаш;

— осон алангаланадиган суюқликларни йўлаклар, ертўла, том ва уй-жой биноларида сақлашга йўл қўймаслик;

— электр ва газ асбобларини тармоққа уланган ҳолда назоратсиз қолдирмаслик;

— ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш устидан жиддий назорат ўрнатиш;

— агар болалар уйда қаровсиз қоладиган бўлса, барча эҳтиёт чораларини кўринг. Гугуртларни уларнинг кўзидан нарида сақланг. Шуни эсингизда тутингки, болалар катталарга тақлид қилиб, кўпинча ёнғин чиқишига сабабчи, баъзан эса унинг қурбони ҳам бўлиб қоладилар.

— ёнғин тушганини сезгач, дарҳол «01» телефони орқали маълум қилинг, аланга чиққан ерни, нима ёнаётганни ва ким ўт ўчириш бўлинмасини чақираётганини аниқ айтинг. Шу билан бирга бинодан одамларни олиб чиқиш яорасини кўринг ва дастлабки ўт ўчириш воситалари билан алангани ўчиришга киришинг. Ўт ўчириш бўлинмаси етиб келишига уларни кутиб олишга ҳаракат қилинг. Олиб чиққан одамларингиз ҳақида ва яна қайси хоналарда одамлар борлиги тўғрисида ахборот беринг.

Шуни ёдингизда тутингки, фақат ёнғин хавфсизлигининг барча чораларига, қатъий риоя қилгандагина ёнғин чиқишининг олдини олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЁНҒИНДАН САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 006176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.
Индекс: 75487.

Ҳориб-чарчаб уйга қайтамиз. Оёғимизни узатиб дам оламиз. Кўрган, эшитганларимизни оила, фарзандлар даврасида ўртоқлашамиз. Кино кўрамиз, қўшиқ тинглаймиз. Яхши-ёмондан гурунглашамиз. Айни шу чоғ тинчлигимизни деб пойтахт кўчаларида осойишталик посбонлари беҳаловат юрадилар. Ҳалол, бокира кишилар учун бу катта таянч, босқинчи, маккорга катта тўсиқ.

Кўҳна Шошнинг яна бир кунини Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари минг бор ташвишла ўтказадилар...

ТОШКЕНТНИНГ БИР ОҚШОМИ

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ТАҲРИРИЯТИГА

ТИЛЛА УЗУК

Икки дўгонанинг бойигиси келиб қолди. Меҳнат қилиб, тер тўкиб эмас. Енгил-елпи. Бир зумдаёқ.

— Бironта мардни ҳомийликка олсакчи, — деди Флюра. Маза қилиб юрардик. Биз унинг, у бизнинг хизматимизни қиларди.

Ильмира дугонаси таклифига қўшилмади.

— Сен ўйлаган жентельменлар анқонинг уруғи. Кучқувватни ўзимизга берсин. Кетдик. Бунинг режасини тузиб қўйганман.

Ильмира йўл-йўлакай дугонасига бидирлаб кетди.

— Қишлоқи талаба қизлар йўлини тўсамиз. Улар ҳам қўрқоқ, ҳам бой. Тақинчоқлари жа зўр.

Яккасарой тумани савдо марказига етиб келишгач Ильмира Флюрага таъкидлади.

— Операция чоғида ўзингни тетик тут. Жуссаси кичик бўлсаям, ўткир экан, деган фикр урилсин «ўлжа»нинг миясига. Ушандагина унга жон ширинлик қилиб, борбудини аямайди.

Режа пишигач, икки дугона 13-троллейбусга чиқишди. Йўловчи кўп. Ильмира олазарак. Қишлоқи толибани излайди. Икки-уч бекатдан сўнг дугоналар пичирлашишди. Сўнг ювошгина кўринган қизга яқинлашдилар.

— Дамингни чиқарма, — деди Ильмира қизнинг биқинига пичоқ тираб.

Шу чоғ Флюра ҳам «ҳужум»га ўтди.

— Сенга ўхшаш пандавақиларнинг кўпи қўлимдан ўтган. Тилла узукми, бармоғингдаги? Чўз бу ёққа.

Троллейбус бекатда тўхтади. Вақт ўтаётганди. Ильмира навбатдаги ҳамлага ўтди.

— Бўйнингдаги дурниям еч.

Аввалига ўзини йўқотиб қўйган талаба, аста секин жонланди. Қаршилик кўрсата бошлади. Вазият қалтислигини баҳолай олган дугоналар қизнинг биқинига пичоқ ниқтай-ниқтай кейинги бекатда тушишди. Флюра талабанинг икки узугини алдақачон олганини кўрган Ильмира «қишлоқи»нинг бўйнидаги дурга чанг солди. Унинг ипи узилиб, сочилиб кетди.

— Ёрдам беринглар!!!

Илм толиби шундай деяатрофдагиларни кўмакка чақирди-ю алам устига икки дугонага мушт туширди. Бири бошини, иккинчиси белини ушлаб, қочаётганда бекатдаги йўловчилар Ильмира ва Флюрани тутиб олдилар. Ўша заҳоти Яккасарой тумани ички ишлар бўлими вакиллари ҳозир бўлишди. Қимматбаҳо буюмлар эгасига қайтарилди. Бой бўлмоқ орзусидаги икки талончини милиционерлар олиб кетишди...

«ҲАЛОЛ» ҚОРОВУЛЛАР

Нафс балоси ёмон. У тўғри кўнгилниям издан чиқаради. «Ўзбеккабель» корхонасидаям шундай бўлди. Катта бир бойлик ишониб топширилган қоровулларни шайтон йўлдан урди...

«Ўзбеккабель» директорининг муовини В. Назаровнинг айтишича, ҳозирги кунда республикамиз саноати учун мис олтиндан ҳам қиммат. Бу нодир металлнинг хом ашё сифатида сотиб олинаётганининг ҳар тоннаси таннархи 4 миллион сўмкупондан ортиқ экан. Эҳтиёж эса катта. Буни корхонадаги каттаю кичик яхши билади.

Ҳар грами ҳисоб-китобда бўлган мис ўмарилмаслиги учун корхона маъмурияти ишониб қоровул ёллашганди.

Ўзаро жиноий тил бириктирган тўрт нопок ишга киришишди. Ҳамма ишдан кетгач, корхона девори остини ўйдилар. Нафс бандалари эндигина ярим тонна (!) нодир металлни ўмаришганди. Ишнинг пачаваси чиқди. Нияти бузуқ қоровулларнинг ғайри қонуний мақсадлари амалга ошмади. Мирзо Улуғбек тумани жиноят-қидирув бўлими тезкор гуруҳи ва Қўриқлаш бошқармаси ходимлари давлат мулкини талон-торож қилишнинг олдини олишди.

Қайта ишланган қимматбаҳо миснинг ўғрилари шу тарзда қўлга тушди. Юрти мулкига кўз олайтирган «ҳалол» қоровулларнинг тегишини қонун белгилайди.

ОЁҚДАН УКОЛ

Топган-тутганинг ўзингга, болаларингга, рўзғорингга буюрса, ўша ҳаёт гўзал. Бойлик ортиб, ҳамён қаппаяверса, айримларнинг юриш-туриши ўзгаради. Баъзилари отасиниям танимай қўяди. Бўлган сайин бўлгиси келаверади.

Яккасарой маҳаллаларидан бирида машина ичида уч-тўрт киши жанжаллашаётганини туман ички ишлар бўлимига хабар қилишди...

Шаҳардаги тижорат фирмаларидан бирининг бош директори А. муовини Ш. билан чиқишолмай қолади. Сабаби муовин бош директорни бўйсундириб олмоқчи бўлган. Мабодо измига юрмаса А. ни «йўқотмоқчи» экан. Шу ниятда Ш. муқаддам судланган шахсларни 100 АҚШ долларига ёллайди.

Пулга ҳирс қўйиш, мансабга интилиш инсонни бузади, деб шуни айтадилар-да. Бўлмасам, А. ва Ш. илгари яқин дўст бўлишган. Ш.-ни ишгаям бош директор олиб келган. Узоқ йиллар ҳамкорликда ишлаганлар. Бир-бирларидан туз-намак бўлишган.

Муовин ёлланган жиноятчиларни фирма жойлашган ерга бошлаб боради. Уларга бош директорни кўрсатади. Жиноятчиларга пул бўлса, бас. Дарров ишни бошлашади. Бош директорни босқинчилик билан қўлга олишиб, машинага тиқишади. Тирик жон. А. қаршилик кўрсатади. Ювош қилишнинг ҳадисини олган жиноятчилар директорнинг оёғига шприц орқали гиёҳванд моддадан укол қиладилар. Зум ўтмай у итоаткор бўлиб қолади.

Қўлга олинган жиноятчиларнинг иқрор бўлишича, сал кечикилса, бош директорнинг кўзи ҳам ўйиб олинар экан...

Вақтида қилинган ҳаракат, маҳалла аҳлининг бефарқ эмаслигидан бир инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

УЧОВИ ҲАМ ЁШ

Ярим оқшом. Хонадонларда сукунат. Кўплар маст уйқуда. Яланғоч даҳасидагилар ҳам ором олишарди. Шу чоғ уч шарпа хонадонларнинг бирига яқинлашди.

Атрофни обдон кузатдилар. Хавф-хатар йўқ эди. Олдиндан пишитилган режани амалга оширишнинг айни маҳали эди, уларга. Олдин хонадон деразаси панжарасини қўпориб олдилар.

Хонага бирин-кетин кирдилар. Шу тобда уй эгаси ўғриларни сезиб қолади. Уларнинг эмин-эркин ҳаракат қилишларига қаршилик кўрсатади. Бундан ғазабланган ўғриваччалар пичоққа ҳай берадилар. Ўткир тиғ соҳиб оёғини жароҳатлайди. У ўзи билан овора бўлиб қолганидан фойдаланган ҳамтовоқлар кийим-кечак, магнитофон, гилам, хўжалик моллари, қисқаси қўлга илинганини ўмаришади.

Эндигина 18-20 ёшлардаги босқинчи, ўғрилар узоқ кетолмайди. Учови ҳам қўлга тушди. Сўраб-суриштириш чоғида уларнинг яна бир кирдикорлари очилди. Учовлон шу даҳадаги бошқа хонадонниям ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб шипшийдон қилган экан. Уларнинг фуқаролардан ўмарган мол-мулки миқдори 30 миллион сўм-купондан ортиқ.

ТАДБИРКОРГА ЙЎЛ КЎРСАТДИ

Тўкин-сочинлик бўлишини назарда тутиб Ўзбекистонда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Хоразмлик икки тадбиркор Ж. Қ. ҳам ул-бул харид қилиш, фирмалар билан мол айирбошлаш мақсадида Тошкентга келди. Ёшуллилар Чилонзор туманида яшовчи танишлариникида қўноқ бўлишди.

Ҳамёнларида катта миқдорда пул, долларга чеки бўлган тадбиркорлар ўзлари боп фирма, фабрикани қидиришади. Шартнома тузиш ниятида шаҳарнинг катта-кичик корхоналари остонасини ҳатлайдилар. Излаб-излаб, Сергелидаги мебель фабрикасига келишади.

— Сизларга нима керак? — сўрайди уларни кузатиб турган бир ҳайдовчи.

— Мебель олмоқчи эдик. Шунга ким билан тил топишишни билмай турибмиз.

Ёшуллиларнинг очиқлиги шофёрга ёқди.

— Тўғрилаймиз. Узоқдан келибсизлар, қуруқ кетмайсизлар.

Икки тадбиркор иши битаётганидан хурсанд. Шофёрни меҳмон қиладилар. Узоқ суҳбатлашиб, бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб қолишади.

— Бизга керакли одам бугун йўқ, — дейди ҳайдовчи айёр кўзларини ўйнатиб. — Эртага эрталабдан киришамиз. Битмайдиган иш йўқ.

Ҳожатбарор ҳайдовчи ёшуллиларнинг ишончини қозонди. Одамгарчилик юзасидан Ж., Қ.ларни қўноқ бўлган хонадонларигача элтиб қўйди. Азонда учрашишга келишиб, илиқ хайрлашдилар.

Ярим оқшом. Омади юришганидан мамнун тадбиркорлар бемалол дам оларди. Тўсатдан тақир-туқур бўлди-ю хонага биров бостириб кирди. Юзида ниқоб. Дўқ-пўписа қилиб, ёшуллиларнинг пулини олди. Долларли чекини талаб қилди. Униям ҳамёнга ургач, уй бекасининг тилла буюмлари, «Лама» пальтоси ва бошқа қимматбаҳо буюмларини қопга жойлаб, ғойиб бўлди.

Жабрдийдалар қўрқувдан дағ-дағ титраганча қолаверди. Бор-будидан ажраган икки тадбиркор Ж., Қ.нинг лабига учуқ тошди. Бахтларига Чилонзор тумани жиноят—қидирув бўлими тезкор вакиллари бор экан. Босқинчи ўғри тезда қўлга олинди. У ёшуллиларнинг «қадрдони» — ўша ҳожатбарор ҳайдовчи экан!

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Тошкентнинг бағри кенг. Унга келиб-кетувчилар кўп. Кунига минглаб кишилар меҳмон бўлишади. Пойтахт кўчаларида, майхона-ю ҳашамлардаям шунга яраша ҳодисалар кечиши мумкин. Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимларининг ҳуқуқбузарликка қарши кескин курашаётгани туфайли содир этилган жиноятлар сони илгаригига нисбатан 15,5 фоизга камайган. Бир кунда қайд этилган жиноятларнинг очилиши 80 фоизни ташкил этади.

Бир кунда мингдан зиёд милиционер «Тун» тадбирида қатнашиб, аҳолининг оромини таъминлайди.

М. МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.
Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *САНЪАТ* •

«ДУНЁ ҲАЗИН, ЁР-ЁР АЙТГИЛ...»



ЎЗБЕКНИНГ ҳовлиси сўрисиз бўлмайди. Сўри бўлгандан кейин, албатта тепасида пастаккина токвойиш, ёнида эса қийшайган, мункайган ток бўлади. Тўй кунлари шу ток олдида хониш қилган ҳофизни кузатсангиз, ҳофиз қўшиғининг маъниси бирлан букри токнинг нақадар уйқашлигини, дунёнинг фонийлигию, одамзот умрининг онийлигини яна бир карра илғайсиз.

Абдуваҳоб ака бундай ҳовлиларда, бундай токлар олдида жуда кўп қўшиқ айтган. Сурхондарёнинг Сариосиёсию Денови, Қумқўрғонию Бойсуни, бу ёғи Қашқадарёларгача, у ёғи Ҳисору Душанбе, Варзобу Кўрғонтепаларгача кўплаб жайдари, ўзбекона хонадонларга ўз қўшиғи ила файз киритган. Ўзи қир-адирлар ҳавосини ёқтиргувчи, шеъриятга, бўронсифат тулпорларга, улоқ чопишга, сайру-саёҳатга шавқи баланд, шоиртабиат, уйғоқкўнгил бир инсон.

Отингизни тортинг белин, оғажон,
Отингизга минсин келин, оғажон.

Удумини қилсин элнинг, оғажон,
Уй тўрида унга муштоқ гўшанга-ей!
Қўшиқларим соқчи бўлсин ўшанга-ей!

Мирзо Бобур **«Мутрибга қулоқ тутки, не дер нағмада созин»** деганларидай, Абдуваҳоб аканинг қўшиқлари, гурунгларига қулоқ тутса... болаликда унут бўлиб кетган ажиб ифорлар, озода жилғалар, тераклар, толлар шовуллаши ила янада қуюқлашган жунунваш ўсмирликнинг жозиб кечалари соғинчи, бу ғаройиб оламнинг — пок меҳр ва соғинч оламининг ҳарир, шаффоф мулки қайта бошдан чулғайди кишини. У ҳазрат Ҳазинийдан сухан айтади, отам раҳматли яхши кўрардилар, дейди. Юзида ёлғони йўқ, рост, очиқ кўнглини юзидан билса бўлади.

Токнинг у томонида тизилган ўсмир йигитчалар, бу томонида ғуж бўлиб тўй кўраётган ой балдоқли ой қизлар. Бу ёшлик, навқиронлик саодати қуршовида бечора ток букчайиб йиғлаётгандай.

Дунё ҳазин, «Ёр-ёр» айтгил,
Эй, кўзлари қуралай.
«Ёр-ёр»ингдан ўлган эдим,
«Ёр-ёр»ингдан тирилай.

...Ўтган ою йилларимни
Мен бир туш деб билгайман.
Бўйнингдаги холингни бер,
Дилга нуқта қилгайман.

...Тун қўйнида юлдузларга
Таралмоқда дил зоринг.
Менинг шеърим қолмас, лекин
Қолгай сенинг «Ёр-ёр»инг.

* * *

Ёзнинг куни эди. Буралиб, бир-бирининг пинжига кирган торкўчалар билқ-билқ тупроқ, пастак пахса деворлар оралаб Абдуваҳоб ака билан кетиб боряпмиз. Қоринлар оч, бир маҳал нимқийшайган бир эшик олдидан чиқамиз, ака эшикни очади, девор ортида ўчоқ, ўчоқда—қозон, қозонда—тўнкарилган карсон. Атрофда ҳеч ким йўқ. Ака чўккалайди, менга маънодор қараб жилмаяди. «Сирожиддин, — дейди, — шу қозонда бир гап борга ўхшайди». Карсонни кўтаради. «Ризқни қаранг!» Ошни карсонга ағдаради: «Қайнананинг яхши кўриши-да бу!» Ошдан кейин, «Сирожиддин, — дейди ака. — Йигитни уч нарса адо қилади. Иккитасини биласиз. Учинчиси, мен сизга айтсам, йўқчилик. Ҳа, худо йигитни йўқчиликдан ҳам асрасин экан».

* * *

Элнинг яхши куни муғаннийлари, ҳофизларию шоирлари ила файзлидир. Тўйнинг таронаси яхши. Кўп йилларидан бери ўз тароналари, дардчил, ширали овози ила эл кўнглидан жой олган, радиоси ҳам, телевидениеси ҳам шу элнинг хушнуд кунлари бўлган камтар, хоксор ҳофиз Абдуваҳоб Тошматовнинг бу мулкда ўз ўрни бор.

Топинг халқнинг ширин пайтин,
янгалар,
Келин шаъни, «Ёр-ёр» айтинг,
янгалар,
Оқ ниятлар қилиб қайтинг,
янгалар,
Уй тўрида унга муштоқ гўшанга-ей,
Қўшиқларим соқчи бўлсин ўшанга-ей!
Жон онажон, дуо қилинг, чин
бўлсин,
Манглайига сурганингиз ун
бўлсин,
Юрган йўли ёруғ бўлсин, нур
бўлсин,
Уй тўрида унга муштоқ гўшанга-ей,
Қўшиқларим соқчи бўлсин ўшанга-ей!

Дунёнинг ҳазинлиги бундай лаҳзаларда билинмай кетади. Фақат сўри ёнидаги мункайган ток дунёнинг фонийлигидан, одамзод умрининг шитоблигидан мунглуғ ҳикоялар сўйлайди. Абдуваҳоб ака ҳозир янги бир қўшиқнинг азобида юрибди. Бу қўшиқ шундай тўйларга етишмаган, йигитлик фаолининг саодатидан бебаҳра кетган йигитлар ҳақида. Бу қўшиқнинг номи «Нола»:

Жилғалар жилдираб сойга
келгайлар,
Қошлар камол топиб, ёйга
келгайлар,
Бир аччиқ аламлар ўйга
келгайлар,
Жангларда ўлган ул ўғлонлар гўё
Ҳозир қаторлашиб тўйга келгайлар.
...Сизга буюрмади уйлар, айвонлар,
Сизга тож керакмас, на керак
шонлар.
Раҳматжон, Зикрилло, Жума
полвонлар,
Мўлтираб боқарсиз шабнамлар
бўлиб,
Эсиз, шабнамларга айланган
жонлар!
...Кўрсам адирларнинг лоласи
куйган,
Кимнинг қизи, кимнинг боласи
куйган,
Дилимда дунёнинг ноласи куйган,
Торимни қўлимга олсам, ёронлар,
Торим ҳам кўнглимнинг толаси
куйган,

Сирожиддин САЙИД.

• *Юрган дарё* •

ПЕКИНДА БИР ҲАФТА

Утган йили юртбошимиз Хитой давлатларини Ўзбекистон учун очиб қайтдилар. Эндиликда икки дўст мамлакат ўртасидаги маданий, иқтисодий, сиёсий алоқалар тобора янги поғоналарга кўтарилмоқда. Йўлга қўйилган муносабатлар шарофати туфайли мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси делегациясининг таркибида Хитой давлатига сафар қилиб қайтдим.

«ИЛ-62» самолёти тўрт соат ичида Чин пойтахтига етиб келди. Бир миллиард 200 миллион аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлай олган, иқтисодий кўрсаткичини йилига тўрт-беш фоиз ошираётган Хитой мамлакати, жаҳон иқтисодиётида Дэн Сяопен мўъжизаси сифатида ном қозонган ислоҳотлар кўлами ҳаммамизга маълум эди. Лекин эшитган бошқа, кўрган бошқа экан.

Тайёрагоҳдан, Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси Н. Ғойипов, Жаҳон тиллари университети ректори, Ўзбекистон — Хитой дўстлик жамиятининг раиси Ж. Бўронов, ассоциациянинг Ҳинди — Хитой, Тинч океан минтақаси ва Шарқий Европа мамлакатлари бўлимининг бошлиғи Б. Розбоқиев ва шу сатрларнинг муаллифи Пекин шаҳрига йўл олдик. Мезбонлар бизни Тиан — Тань осмон қасри меҳмонхонасига жойлаштиришди.

Ташрифимизнинг эртаси куни 11 миллионлик Пекин шаҳри билан танишув бошланди. Бу ердаги осмонўпар бинолар, ҳар бир дўконларининг турли молларга тўлиб-тошиб кетганлиги бизни ҳайратга солди. Тўкин-сочинлик; турмуш муаммоларининг деярли ҳал этилганлиги эътиборимизни тортди.

Мезбонлар Пекин тарихи, маданияти, илм-фани хусусида батафсил маълумот бердилар, айниқса Буюк Хитой девори устидаги суҳбатимиз ниҳоятда мароқли ўтди. Баландлиги 6-7 метр ва эни беш метр чамаси, узунлиги юзлаб километрларга чўзилган тош девор салобати, довруғи билан ақл бовар қилмайдиган санъатга айланган.

Пекиндан ўттиз километр жануброқда жойлашган агрокорхона бизда катта таассурот қолдирди. Бирлашмада 13 та қўшма корхона ташкил этилган, бу ер аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қўшма корхоналарда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд. Маҳсулотнинг бир қисми ҳорижга юборилади. Бирлашмада киши бошига олинаётган фойда ўртача яшаш даражасига кифоя қилади. Пекинда таълим олаётган ўзбек йигитларини ҳам учратдик. Улар хитой тили ва адабиёти университетида таҳсил олишмоқда. Сафар давомида ўғлонларимизнинг бу ердаги ҳаёти билан қизиқдик. Улуғбек Зиёдов, Миробид Орипов, Рустам Зиёев, Жаҳонгир Умаров, Анвар Саидбеков, Ҳотам Зарипов, Ҳикмат Обидовлар хитой тилини мукаммал ўзлаштирганликлари билан бизни лол қолдиришди. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги янги кўприкларни ана шундай йигитларимиз қуришади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси делегациясининг Пекинга боришдан асосий мақсади Ўзбекистон билан Хитой Республикаси халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, Хитой — Ўзбекистон жамиятини тузиш ва келажак дастурини тасдиқлашдан иборат эди. Ниҳоят кейинги куни Хитой хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти раисининг муовини Чен Хао Су ва профессор Наим Ғойибов бошчилигида 1994—1998 йилларга мўлжалланган дастур имзоланди.

Хуллас, бир ҳафталик сафаримиз дўстлик ришталарини янада чамбарчас боғлайдиган ҳужжатни тасдиқлаш билан ниҳоясига етди. Буюк ипак йўлидан аждодларимиз бир-бирлари билан борди-келди, савдо-сотиқ қилишган. Чин-Мочин ва Туркистон азалдан бир-бирларига тўкин-сочинлик, фаровонлик яратишга омил бўлишган. Худо хоҳласа, Президентимиз Ислом Каримов ва Хитой Бош Вазири Ли ПЭНнинг ўзаро ташрифлари туфайли очилган йўллар икки мамлакатга ҳам маъмурлик ва эзгулик олиб келгай.

Туҳфатилла ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

• *Сўнгги қўнғироқ* •

БИЛИМИ ЗЎР МИНГНИ ЙИҚДАР

● Кеча республикамиз барча ўрта мактабларида битирувчиларнинг мустақил ҳаётга кузатишга бағишланган сўнгги қўнғироқлар чалинди. Хўш, бу йилги тантанали маросимгача бўлган жараён аввалги йиллардагидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

Биринчидан, бу фарқни халқ таълими тизимида рўй берган бир қанча ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, тўлиқ ўрта маълумот олиш мажбурий қилиб қўйилмади. Унинг ўрнига айрим фанлар йўналиши бўйича 10-, 11-синфларда билим бериш чуқурлаштирилди. Мазкур синфларга қабул чоғида ўқувчилар тест синови ва имтиҳонлардан ўтказилди. Энг лаёқатли, иқтидорли ёшларгина танлаб олинди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Малик Мажидов номли 82-ўрта мактабда худди шундай йўл тутилди. Учта 10-синфга танлаб олинган ўқувчилар Тошкент Давлат университети ва Тошкент Автомобиль йўллари институти ўқитувчиларидан малакали сабоқ олмоқдалар. Шунингдек, ўқув масканида бошланғич синфларда синфдан ташқари машғулотлар ўтказилди. Ёшлар миллий қадриятлар, удумларимиз, одатларимиз, ахлоқ-одоб, ота-боболаримиз донишмандлигига доир ўгит, матал, мақол ҳамда ҳадислар билан пухта таништирилди. Бундан ташқари ўқувчилар араб, инглиз тилларини ўрганишди. Спортнинг бир неча тури бўйича, драма, бичиш-тўқиш, кулинария ва бошқа тўгараклар фаол ишлаб турди. Яқинда буюк аллома— Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб «Фалакиёт султони» мавзуида ўтказилган савол-жавоб кечаси ва Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига аталган туман ва шаҳар кўрик-танловларида эришилган муваффақиятлар битирувчиларнинг бир умр эсларида қолса ажаб эмас.

Синф раҳбари Озода Мусаеванинг таъкидлашича, битирувчилардан Наргиза Исмоилова — шифокор, Сайёра Музаффарова — банк ходими, Санжар Султонов — тарихнавис, Хуршида Мусаева — жарроҳ, Баҳодир Қамбаров — тадбиркор бўлмоқчи экан. Улар келгусида қайси касб-кор эгаси ёки ким бўлишларидан қатъи назар, энг муҳими эл-юртимиз корига ярайдиган ҳақиқий инсон бўлиб етишишлари аниқ.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУТБОЛ

УМИДИМИЗ БОР...

Осиё 29-чемпионати тўқкизинчи гуруҳида иштирок этаётган Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ёшлар миллий терма командалари ўзаро саралаш ўйинларини ўтказишаётир. Ўтган куни шу гуруҳда икки учрашув бўлиб ўтди. Тожикистон ёшлари қозоғистонлик тенгдошларини (1:0) енгишди. Туркманистон — Қирғизистон команда лари ўйини 3:0 ҳисобида якунланди. Шу куни юртдошларимиз дам олишди. Учинчи турдан кейин Қозоғистон ва Туркманистон ёшлар терма жамоалари тўрттадан очкога эга бўлишди. Тожикистонликлар икки, Қирғизистон ва Ўзбекистонликлар атиги бир очко билан жадвалнинг энг сўнггига тушиб қолдилар.

Хўш, ёшларимиз нега бунчалик суст ўйнашяпти? Шу дамда очиғи, бир нима деймиз. Бу дегани келаси йили Нигерияда ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида вакилларимиз қатнашмайди деган гап.

Лекин ноумид бўлмайлик. Чунки, футболда тасодифлар кўп бўлади. Шунинг учун ҳам уни кекса-ёш бирдай севади-да. Олдинда эса икки учрашув турибди. Бугун мамлакатимиз ёшлари туркманистонликларга қарши майдонга тушадилар. Кейин тожик тенгқурлари билан учрашишади.

Хуллас, бугун футболчиларимиз учун «орани очиқ», қиладиган кун.

Равшан ШОДИЕВ.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 939 тир. 85591.

Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.